

*Нийтийн 1-сийн хөтөлбөрийн холбогд*



HGT

**HUDUDGAZTA'MNOTI**

AKSIYADORLIK JAMIYATI

ID 50411

III-18

**ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ  
ИСТЕЬМОЛЧИЛАРГА  
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ  
ШАРТНОМАСИ**

№ 118

*Ишүүхэд 2022 н.*

Табии табиги улгуржни истеъмолчиларга етказиб берини на кабул килиш  
ШАРТНОМАСИ

20<sup>йил</sup> № "декабрь" 2018-сон Мештаков Г.  
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Мештаков Г. Сон  
касас хуучир сеякчады  
(Истеъмолчи номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Р. Узаков бир  
томондан ҳамда Низом ва 20 йил " " да берилган -сонли  
ишончиюма асосида фаолият юритувчи "Хуучир Сеякчады"  
(газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб  
аталади), раҳбари А. Мухамедзода ишқинчи томондан, куйидагилар  
тўгрисида мазкур шартномани туздилар:

#### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг  
келишилган буюрманомаси бўйича табии газ (кейинларда ўринларда газ деб  
аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу  
шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни кабул қилиш мажбуриятини  
олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига  
мувофик, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга  
газ курилмалари, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги  
ўринларда хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган мельёрларга (Табиий газдан  
фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга  
(ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни  
такдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол  
килиниши таҳмии қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган  
газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 20<sup>йил</sup>да  
13635 куб.м, нархи 899900 минг сўмни ташкил қиласи, жумладан  
чорақлар ва ойлар бўйича куйидагича таксимланади:

I чорак 13635 мингкуб.м, январь 4545, февраль 4545 март 4545  
II чорак 13635 мингкуб.м, апрель 4545, май 4545, июнь 4545  
III чорак 13635 мингкуб.м, июль 4545, август 4545, сентябрь 4545  
IV чорак 13635 мингкуб.м, октябрь 4545, ноябрь 4545, декабрь 4545

Етказиб берувчи томонидан хизматларниң түйик ҳажмда күрсатиш учун магистрал ва газ таксимоти тармоқларининг ишилаши издан чиккан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий ахамиятга эга Истъемолчиларга 2028 йилда зарур бўлган табиий газният минимал ҳажми 13655 минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қўйнадигани ташкил килади:

I чорак 13655 мингкуб.м, январь 4545, февраль 4545, март 4545.  
II чорак \_\_\_\_\_ мингкуб.м, апрель \_\_\_\_\_, май \_\_\_\_\_, июнь \_\_\_\_\_.  
III чорак \_\_\_\_\_ минг куб.м, июль \_\_\_\_\_, август \_\_\_\_\_, сентябрь \_\_\_\_\_.  
IV чорак \_\_\_\_\_ мингкуб.м, октябрь \_\_\_\_\_, ноябрь \_\_\_\_\_, декабрь \_\_\_\_\_.

1.5. Агар, Истъемолчи ойлар бўйича булинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил микдорда таксимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истъемолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни таксимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта куриб чиқиши мумкин. Истъемолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун оддин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат оргикча олинган газ микдори деб хисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРГЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истъемолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларнинг асосан жорий ой учун газ истъемолининг суткалик месъёри доирасида газ кабул килиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва кабул килиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истъемолчига 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва қабул килиш тартиби ва шартлари ўзгарганилиги тўгрисида барча усууллар орқали Истъемолчини хабардор килиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон ракамлари:

66-629-11-04

Истъемолчи манзили ва телефон рақами:

97-390-16-97

2.4. Етказиб берувчи Истъемолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига кадар камидагаз 24 соат аввал бу ҳақида хабардор килиши шарт, магистрал газ кувурларидагаз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истъемолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш лархол қисқартирилади ёки тўхтатилиади.

2.5. Магистрал ва таксимловчи газ кувурларининг технология иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа обьектларини ва ахоли истемолчиларини бир маромада табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истъемолчини огохлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклани ёки

тұхтатиб құйиши ҳуқукига эга, Истемолчи эса захира ёқилғи туридан фойдаланишга үтади.

2.6. Истемолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасыда тезкор маълумотларни мунтазам алмашишин таъминлаш учун жавобгарликин үз зиммасига олади.

2.7. Истемолчи захира ёқилғи туридан фойдаланишни күзда тутиши ва уни етарли микдорда (З ойдан кам бұлмаган муддагға) шакллантириши шарт. Истемолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёқилғига үтиши ва газдан фойдаланишни тұхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тұхтатиши тегишли далолатнома билан расмий таштирилади.

2.8. Истемолчи үзиге тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатылган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз холда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар хисобланади.

2.9. Истемолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш хажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истемолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиши ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истемолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгартган холатларда улар зудли с билан бир-биринн бу ҳакида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истемол килиш режимиининг ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бақариш Истемолчилар учун мажбурний хисобланади.

### III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл кўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоқлари бўлининши чегарасида ўрнатылган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар иккиси томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиши далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлининши чегараси (Истемолчи балансида булган газ тармоғининг бошланиши хисобланаб) Етказиб берувчи ва Истемолчи уртасидаги, тегишилиниг бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлининши нұктаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шароитда 1 м<sup>3</sup> газ олмайди: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 I.I-бандига асосан). Газ хажми газнинг физик-кимияй параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) кийматлари бўйича тузатилади.

Газ микдори “Ўзстандарт” агентлигининг исъёрий-хуқуқий хужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шароитта автоматик равища келтирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

**3.4. Етказиб берувчининг ёки Истемолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.**

**3.5. Истемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишилни кондалар ва меъёрларга мувофик амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истемолини хисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган тизим (ПТХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.**

**3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги кондалар ва меъёрларга мувофик амалга оширилиши керак.**

**3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з DS1 8.030:2008 “Ёқнаги ва энергия. Хисобга ўйиладиган умумий талаблар”, О'з DS1 8.031:2008 “Ёқнаги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жижозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.**

**3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва кондаларга мувофик бўлиши керак.**

**3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўстандарт” агентлигининг жорий киёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг киёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўстандарт” агентлиги белгилайди.**

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўстандарт” агентлигига метрологик аттестациядан ўтказишниң ўз вактида бажарилиши учун масъуллур.

**3.10. Режалаштирилган ишларининг бир кисми сифатида (киёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, тъьмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқарни эктиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.**

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва кондаларга мувофик эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

**3.11. Режалаштирилган ишларининг бир кисми сифатида (киёслоаш кўриги/калибрлаш, торайитмиш мосламасини алмаштириш, тъьмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқарни эктиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.**

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва кондаларга мувофик эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация килиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошка усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилди.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истемолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истемолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилига Истемолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истемолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишланини кузатиш хукуқига эга. Шу билан бирга, Истемолчи Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувоффик Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий ҳолатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз аралашиш ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, куйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истемоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф килиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истемол килиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аникланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда – охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатта олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўстандарт” агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – киёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан киёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг кисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда - охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб кўйилганда - охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда табии газни истеъмол килиш ҳолатлари аникланганда-ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини гасдикловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан хисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТГҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табии газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса - газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужожатларини расмийлаштирмастан истеъмолчи томонидан кўшимча газ курилмаси ўрнатиш ҳолати аникланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи хужожатлар мавжуд бўлганида) - бир хисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меърий-техник хужожатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аникланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказиши талаб қилиш хукуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса -экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

**3.20.** Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чикқанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аникланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичиди Етказиб берувчига бу ҳақда хабар берини шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графикини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

**3.21.** Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аникланган тақдирда кайта ҳисоб-китоблар оҳирги кўриқ ёки газ таъминоти ташкилоти вакилин бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача, лекин дэвво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда булиши керак).

#### **IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

**4.1.** Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

**4.2.** Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигитомонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

**4.3.** Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб ракамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми кийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида амалга ошириш хошишини билдирган истеъмолчишар ҳисоб-китоб амалга оширилдиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибида мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб ракамига табиий газ етказиб берини тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми киймати суммасининг 50 фоизи миқдорида олдиндан ҳак тўлашлари шарт. Амала истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг оҳиригача амалга оширилади.

**4.4.** Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

**4.5.** Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

**4.6.** Истеъмолчи ҳар ойининг 10 санасига кадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

**4.7.** Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойн тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

**4.8.** Табиий газдан фойдаланишида Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб берини шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблаглар кайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишида ҳисобга олинади.

**4.9. Истемолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмида ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истемолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ кийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.**

Бунда, белгиланган тартибда хисоблаш приборини алмаптириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун сифи олиш, шунингдек, Истемолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чаёмок юкска туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниланганлиги сабабли истемол килинган табиий газ ҳажмини ўргатилган газ асбоб ускуналарини тўлик куввати бўйича хисоб-китоб килиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкия қылган ҳолатлар бундан мустасно.

**4.10. Табиий газ учун Истемолчининг карзин мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблаглари Истемолчини хабардор қылган ҳолда карзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобига олинмайди.**

**4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вактида тўланмаганда, Истемолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50% фоизидан ошмайдиган миқдорда пени тўлади.**

**4.12. Хисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истемолини хисобига олиш приборидан кўрсаткичларни ёзib олиш (ПГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истемол килишини хисобига олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъбрлар бўйича хисоб-китоб киладиган истемолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзib олинган кўрсаткичлар Fossa тизимиға киритиш, шунингдек, истемолчилар томонидан табиий газ истемолини хисобига олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолдакиритиш орқали анниланади.**

**4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейнинг ойининг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истемолчига электрон хисобварак-фактура юборилади.**

**4.14. Етказиб берувчина Истемолчи ўртасидаги хисоб-китобларининг ҳақонийлигини таъминлаш учун хисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истемолчидаги кўнидаги техник хужхатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:**

**а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;**

**б) Истемолчига тақдим этиладиган, Истемолчининг булининш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоклари ва ГТКлардаги технологик йўқотишларининг ҳажми тўгрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истемолчи балансида бўлган газ тармоклари ва ГТКдаги технологик йўқотишлар Истемолчи хисобига олиб борилади.**

**4.15. Истемолчи ойининг 7 кунидан кечиқтирмасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул килиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жұнатади.**

Расмийлаштирилган газ стказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон хисобварак-фактураны қабул қилади.

4.16. Табиний газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътироzlар билан имзолаш Истельмолчини кўрсатиб ўтилган табиний газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қылмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўйлан томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс этириш йўли билан хисоб-китоб қилиш ойн тугагандан кейин 10-кунгача бошка томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истельмолчидан дебитор карзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб кўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истельмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб кўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасиининг бир суткада 24 соат ичидаги тўлиқ кувват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгаргантакдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун оддин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истельмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истельмолчи табиний газнинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпичи билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

## V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истельмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандида кўрсатиб ўтилган хуқуқбузарликларга йўл кўйилиши, Етказиб берувчи ва Истельмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномасига мувоффик Истельмолчидан, фойдаланиш газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истельмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

## VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истельмолчидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунига қадар газ тармоқларидан узib қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олинг қурилмаларини назоратдан ўтказишга йўл кўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида карздорлик мавжуд бўлгандা;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдиндан тұловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва “Узнефтгазинспекция”нинг курсатмалари бажарилмаганда;
- хисоблаш приборларига касддан зарар етказилганда, прибор курсатгичларини ўзгартириш максадида уларнинг ишлашига түсқиңлик килючи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни хисобга олиш приборларига ташки таъсир курсатишга харакат килиш;
- Газдан фойдаланиш қондаларига зид равишда газ тармоқларига ноконуний уланиш ёки бошқа қондабузарліклар Әхуд газни талон-тарож килиш ҳолатлари аниқланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг учирғилиши натижасида стказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобғарларни ўз зиммасига олмайди.

**6.2. Тармоқта қайта уланища амалдаги қонунчилликка мувофиқ Истеммолчидан базавий хисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида ҳак ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида курсатилган ҳоллар бундан мустасно.**

**6.3. Газ истеммолини хисобга олиш ва изорат киляшининг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истеммолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳак ундирилмайди.**

## **VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҶУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

### **7.1. Етказиб берувчи куйидагиларга мажбур:**

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз хисобидан таъмирлаш-тиклиш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш кискарған ёки тўхсаган тақдирда бу тўғрида Истеммолчиларни хабардор килиш;
- газ хисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камида уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига курсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни баргараш этилгунинга кадар табиий газ таъминотини кўшимча огохлантиришларсиз тармоқдан учирниш;
- табиий газнинг рухсатсиз истеммол ҳилинганилиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганилиги тўғрисида ҳуқукини муҳофаза килиш органларини хабардор килиш;
- Истеммолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга карши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгартаришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий курсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тағтишдан утказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташкири вактда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичидаги алмаштириш;

Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга булиши мумкин.

### 7.2. Етказиб берувчи куйидаги хуқукларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришини кискартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармогидан узиб кўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиши қоидлари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаф килиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро килишдан конун хужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиши;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечикитириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан унни огоҳлантириларсанда ҳамда судлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришини тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгунинг қадар аввалдан огоҳлантиримаган ҳолда газ етказиб беришини тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор килиш.

### 7.3. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

- хисобот ойинда табиий газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини ва хисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ хисобдонини архив мълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиши.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ хўжалиги газ кувурлари ва ускуналарини техникихатдан соз ҳолатда саклаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келгап табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабердор қилиш;
- үзининг газ тармоқлари дахлисизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда куздан кечириб чиқиш;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойисасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;
- газ етказиб берувчи вакиилари ва "Узнефтгазинспекция" ходимларининг (тегиши гувоҳнома курсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишини ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркян кўздан кечиришини таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидағи носозликларни (бундай турдаги ишларни бажарни ҳукуқига эга бўлган юхисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;
- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзgartириш мақсадида уларнинг ишланишга тўқсунлик қилувчи харакатларни амалга оширмаслик, уларнинг касдсан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунилигини таъминлаш;
- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун кулагай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

-Газ тармоғи бўлниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятни берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган (ПГҲНАТ-АСКУТ) тизимиға уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш..

#### 7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан куйидагиларни талаб қилиш ҳукуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдарда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишланинг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;
  - табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда узатилиши;
  - табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани кайтариш;
  - табиий газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қалиш;
  - табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни коплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. баандлари бундан мустасно);
  - газ етказиб беришни вағтинча тўхтатишни.
- Истеъмолчи конунчиллик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳукукларга эга бўлиши мумкин.

### VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда коплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қўйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармокларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аникланганди;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилганҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда. Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қўйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) қиш даврида ваqtincha газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри хокимлклари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узуб қўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий гағнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб қилиш хукукига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтишини талаб қилиш хукукига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганди, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бирор етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пея тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истемолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтгантўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бирок муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пени тўлайди.

## IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги конун ва қоидаларга онд шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2. “Истемолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни кафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошقا вакиллари), истемолчи маффаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат килиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва қоидаларига қатъий риоя киласди.

## X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиллар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар кондага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини курдилар.

10.2. Келишмовчиллар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишлисудга мурожаат килишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгариришга йўл кўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

### 11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ кувурларида ва газ тармокларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида кутимаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгиг булмас кучлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, хусусан, сел, ёғир, сув тошкими, ёнғин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Хукумаг карорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарни имкони бўлмай қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тұхтатиш, кискартириш ёки муносабтларни тұхтатиш хукуқига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келгандан тақдирда, тарафлар ҳар кандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор килиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнинда сактаниб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажарни гўрисидаги карор қабул киласдилар.

## XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартериш ва қўшимчалар ёзма равища расмийлаштирилиши хамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учуншартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПК-594-сон карорига асосан Газначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома ~~10.22~~ йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан биро шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар хар йили ~~10.22~~ йил 31 декабр санасига" амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

## XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июнданги "Табиий газ ва электр энсргиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" га № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига кадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг хар биро учун икки нусхада тузилган, иккала нусхасиҳам бир хил юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

<b>«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»</b> <b>«HUDUDGAZ SAMARQAND» газ таъминоти филиали</b>	<b>«ИСТЕММОЛЧИ»</b> <b>1-соли касб кундук мактаби</b>
<p>Манзил: Самарқанд шаҳар, Буюк Ипак йўли кўч., 15 уй</p> <p>Тел/факс: (66) 239-78-11; Faks: (66) 239-78-12</p> <p>Банк номи: ХАТБ “ОРИЕНТ ФИНАНС”</p> <p>МФО: 01111</p> <p>ИНН: 306605769</p> <p>ОКЭД: 35230</p> <p>Х/Р 2021000405113960670</p>	<p>Почта номига: _____</p> <p>ОКПО коди: _____</p> <p>ОКЭД: _____</p> <p>Мулоқот телефони: 66-625-5760</p> <p>Газ/к. 2240200300/10000100</p> <p>Банк номи: Генерал Мархизий банк МФО 800014 ИНН 206182911 ш/к 10001086018212209260007900</p> <p>Рахбар: А. Мухаммадов (Ф.И.Ш.) Имесиши: Мурод Умаров</p> <p>HGT «HUDUDGAZ SAMARQAND» ГАЗ ТА'МИНОТ МАСОЛЛОҲИ МУҲАДДАСИ</p> <p>М. Гончаров (Ф.И.Ш.) Имесиши: Мурод Умаров</p>

Юридик ишсаодчи хуносаси: А. Мухаммадов

(Ф.И.Ш.)

(имен. мухр)

сана)

2029 йил 26 ийн даги

2022 йил «26 Оквар» даги  
11-18-сон шартномага  
Фойдаланишга кабул қилингян газда фойдаланиш ускуналари  
РҮЙХАТИ

Фаолият түри: Бюджет  
Кадастр №

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Табиий газ тарифи 1 м<sup>3</sup> 660 сум — тийин

№	Корхона, бұлым ва цехни номланиши	Агрегаттар компания		Лойихавий газ сағы (паспорт) м3/сөзт	Газни хисобға олиш приборларнинг турлари
		нами	сони		
1	БИШО	АГВЗ	8	35x8=28	Модель
2		ПМН	1		
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
10					
11					
12					
13					
14					
15					
16					
17					
18					
19					
20					

Келишилган:

